

«ЎЗАГРОСУҒУРТА» АЖ
Акциядорлар умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомига
6-илова

«ЎЗАГРОСУҒУРТА»
акциядорлик жамиятининг бошқарув
ва ижроия органи аъзоларига ҳақ тўлаш
ТАРТИБИ

Тошкент – 2017 й.

МУНДАРИЖА

I. Умумий қоидалар.

II. Жамият Ижроия органига ҳақ тўлаш тартиби.

III. Жамият Кузатув кенгашига ҳақ тўлаш тартиби.

IV. Жамият Тафтиш комиссиясига ҳақ тўлаш тартиби.

V. Жамият Ижроия органи, Тафтиш комиссияси ва Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ манбалари.

VI. Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига компенсация тўлаш тартиби.

VII. Жамият бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий рағбатлантириш фондини ташкил қилиш.

VIII. Яқунловчи қоидалар.

1. «ЎЗАГРОСУҒУРТА» акциядорлик жамиятининг бошқарув ва назорат органи аъзоларига ҳақ тўлаш тўғрисида»ги мазкур Тартиб (кейинги ўринларда Тартиб деб аталади) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб аталади), Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия мажлисининг 31.12.2015 й. 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган), «ЎЗАГРОСУҒУРТА» Акциядорлик жамиятининг Устави (кейинги ўринларда Устав деб аталади) ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Тартиб Жамиятнинг бошқарув ва назорат органи аъзоларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ масалаларни тартибга солади ва ҳақ турлари, тўлов шакли ва манбаларини, шунингдек қарор қабул қилиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Тартиб Жамиятнинг бошқарув ва назорат органи аъзоларини моддий рағбатлантириш ҳамда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари учун уларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

4. Мазкур Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (кейинги ўринларда СМК деб аталади) - Жамият ижроия органи фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳолаш мезонларининг миқдорий ўлчовидан иборат бўлади.

Жамиятнинг ижроия органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи (кейинги ўринларда СЙК деб аталади) – барча самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) бўйича ўртача ҳисобланган миқдор сифатида ифодаланади.

Бажариш фоизи - ҳисобланган ва мақсадли миқдорнинг фоизли нисбати.

Корпоратив бошқарув ҳолатини баҳолаш – Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан тасдиқланган саволнома асосида ўтказиладиган, Жамият билан мулкӣ муносабатларга киришмаган ташкилот билан тегишли шартнома асосида амалга ошириладиган Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш.

II. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ.

5. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамиятнинг Ижроия органи раҳбари ва аъзоларини мукофотлаш миқдори Жамият фаолияти самарадорлигига бевосита боғлиқ ва Жамият билан уларнинг ҳар бири ўртасида бир йил муддатга тузиладиган ҳамда ҳар йили уни қарор билан узайтириш ёки бекор қилиш қарор имкониятини берадиган шартномада белгиланиши шарт.

6. Жамият Жамиятнинг Ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилайди.

7. Жамиятнинг Ижроия органи раҳбари ва аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ойлик маош, хизмат сафари ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ бошқа тўловлардан ташқари, ҳақ тўланади.

8. Жамиятнинг Ижроия органи фаолиятини баҳолаш бўйича мезон сифатида ҳар бир давр учун бизнес-режада, унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида илова сифатида акс эттирилган СМКнинг прогноз (мақсадли) кўрсаткичларини бажариш инобатга олинади.

9. Ҳисоблаш йўли билан олинган СМК миқдорлари уларнинг бизнес-режада белгиланган прогноз (мақсадли) миқдорлари билан бажариш фоизи нисбати тарзида таққосланади.

10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан жамият бизнес-режасининг тасдиқланган параметрларидан келиб чиққан ҳолда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (СМК) бажариш бўйича Ижроия органининг ҳисоботи ҳар чоракда тингланади.

Ижроия органи ҳисоботининг тингланиши натижалари бўйича Кузатув кенгаши томонидан Ижроия органи (Ижроия органи раҳбари ва аъзолари) фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи ва ҳақнинг миқдори белгиланади.

11. Ижроия органи фаолиятининг самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда Жамият Кузатув кенгашининг қарорига биноан:

а) Ижроия органининг ташкилот фаолиятининг натижаларини шакллантиришдаги иштирокидан келиб чиқиб тузатиш коэффициенти қўлланилиши мумкин;

б) агар СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизи барча СМКнинг камида ярмида прогноздан (мақсадли кўрсаткичдан) ошса, ижроия органи раҳбари ва

аъзоларини мукофотлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган мукофотлаш миқдорига нисбатан икки баробар оширилиши мумкин;

в) агар СМКнинг ҳақиқий миқдори қонунчиликда белгиланган меъёрий миқдордан паст бўлса, ижроия органи раҳбарига нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик чоралари кўрилади;

г) ижроия органи фаолияти самарадорлиги қуйидагича эътироф этилади:

СЙК миқдори 40 фоиздан кам бўлса - қониқарсиз;

СЙК миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса - паст даражада;

СЙК миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса - етарли даражада эмас;

СЙК миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса - ўрта даражада;

СЙК миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса - етарли даражада;

СЙК миқдори 100 фоиздан ошса - юқори даражада.

12. Жорий даврда ижроия органи раҳбари ва аъзоларини мукофотлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган ижро этувчи органни моддий рағбатлантириш пули миқдорини аввалги СЙКга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

13. Ижроия органи фаолиятини баҳолаш натижаларига кўра Кузатув кенгаши томонидан Ижроия органи раҳбари ва аъзоларига ҳақ тўлаш ёки тўламаслик тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

14. Жамият Ижроия органи раҳбари ва аъзоларига ҳақ тўлаш Жамият Кузатув кенгашининг ҳақ тўлаш тўғрисидаги баённомаси имзоланганидан сўнг 1 ой ичида тўланади.

15. Жамиятда ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки уларнинг фаолияти қониқарсиз ёки паст даражада деб эътироф этилган тақдирда устамалар белгилашга, мукофот пули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар тўлашга йўл қўйилмайди.

16. Ижроия органининг самарадорлиги кетма-кет икки чорак мобайнида қониқарсиз ёки паст даражада (ҳар қандай уйғунликда) бўлса, бу ижроия

органи раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқишга олиб келади.

17. Мазкур Тартиб ҳамда ҳисобот чораги учун Ижроия органи фаолиятини қониқарли деб топиш ва Жамиятнинг йиллик бизнес-режасининг асосий (қатъий белгиланган) кўрсаткичларини бажариш тўғрисидаги Кузатув кенгашининг қарори Жамият Ижроия органи раҳбари ва аъзоларига ҳар чоракда асосий ҳақни тўлаш учун асос ҳужжат ҳисобланади.

18. Жамият бухгалтерияси томонидан Жамият Ижроия органи раҳбарининг буйруғи асосида ҳақни ҳисоблаш ва тўлаш амалга оширилади.

19. Ижроия органи аъзоларига уларнинг Ижроия органи аъзоси вазифасини бажариш вақтида ҳақ тўланади.

Агарда Ижроия органи аъзоси ваколати муддатидан олдин бекор қилинса, унга асосий (қатъий белгиланган) ҳар чоракдаги ҳақни ҳисоблаш ва тўлаш Жамият Ижроия органи аъзоси вазифасини бажарган ҳақиқий вақтини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

20. Ижроия органи раҳбари ва аъзоларига асосий (қайд этилган) ҳар чоракдаги ҳақнинг тўлови ҳақ тўлаш тўғрисидаги Кузатув кенгашининг қарори қабул қилинганидан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ.

21. Қонунчиликка мувофиқ, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига уларнинг ўз вазифаларини бажариш вақтида Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан ҳақ тўланиши мумкин.

22. Жамият - Кузатув кенгаши аъзолари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилайди.

23. Жамият Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига қуйидаги ҳақ турлари тўланади:

- асосий (қатъий белгиланган) ҳақ;
- қўшимча (мукофотлаш) ҳақ.

24. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг мезони сифатида уларга юклатилган вазифаларни лозим даражада бажарилиши ва Жамият фаолиятининг молиявий натижалари –

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасининг параметрларини бажариш қабул қилинади.

А) Кузатув кенгаши аъзоларига асосий (қатъий белгиланган) ҳақни тўлаш тартиби

(ҳақ миқдори, тўлов шартлари, тўлов манбалари, тўлов учун асос ҳужжатлар, тўлов муддатлари)

25. Кузатув кенгаши аъзоларига асосий (қатъий белгиланган) ҳақ уларга юклатилган вазифаларни лозим даражада бажарганлик учун Жамиятни бошқариш бўйича Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни йиллик тақсимоти ва Бизнес-режада белгиланган молиявий натижаларга эришишга биноан тўланади.

Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига асосий (қатъий белгиланган) ҳақ ҳар чоракда тўланади.

26. Кузатув кенгаши раисига ҳар чоракдаги асосий (қатъий белгиланган) ҳақ қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (_____) сўмни ташкил қилади.

итат жадвалига мувофиқ Жамият бошқарув раиси лавозим маошидан 50%.

Кузатув кенгаши аъзоларига ҳар чоракдаги асосий (қатъий белгиланган) ҳақнинг умумий миқдори қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (_____) сўмни ташкил қилади.

итат жадвалига мувофиқ Жамият бошқарув раиси лавозим маошидан 50%.

Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига ҳар чоракдаги асосий (қатъий белгиланган) ҳақнинг миқдори Кузатув кенгашининг раиси томонидан белгиланади.

Кузатув кенгашининг аъзосига ҳар чоракдаги асосий (қатъий белгиланган) ҳақнинг миқдори унга юклатилган вазифаларни ва Кузатув кенгашининг алоҳида топшириқларини қониқарсиз бажарилганда камайтирилиши мумкин.

27. Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига асосий (қатъий белгиланган) ҳақ тўлашнинг мажбурий шарти Жамиятнинг йиллик бизнес-режасига мувофиқ ҳисобот чораги учун соф фойданинг прогноз кўрсаткичини бажариш ҳисобланади.

28. Жамиятнинг айланма (пул) маблағлари Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига асосий (қатъий белгиланган) ҳақ тўлашнинг манбаси ҳисобланади.

Кузатув кенгашининг аъзоларига асосий (қатъий белгиланган) ҳақ тўлаш учун маблағлар суммаси келгуси молия йилида Жамиятнинг даромадлар ва харажатлар сметасида акс эттирилиши лозим.

29. Мазкур Тартиб ва ҳисобот чораги учун Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига ҳақнинг миқдорини кўрсатган ҳолда Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланган тақдирот Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига ҳар чоракдаги асосий (қатъий белгиланган) ҳақ тўлаш учун асос ҳужжати ҳисобланади.

30. Жамият Ижроия органи раҳбарининг буйруғи асосида Жамият бухгалтерияси томонидан ҳисоблаш ва тўлаш амалга оширилади.

Ҳар чоракдаги асосий (қатъий белгиланган) ҳақ Кузатув кенгаши аъзоларига уларнинг Кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бажариш вақтида ҳақ тўланади.

Агарда Кузатув кенгаши аъзоси ваколати муддатидан олдин бекор қилинса, унга асосий (қатъий белгиланган) ҳар чоракдаги ҳақни ҳисоблаш ва тўлаш Жамият Кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бажаришнинг ҳақиқий вақтини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Кузатув кенгаши раҳбари ва аъзоларига асосий (қатъий белгиланган) ҳар чоракдаги ҳақнинг тўлови ҳисобот чораги тугаган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай амалга оширилади.

б) Кузатув кенгаши аъзоларига қўшимча (мукофотлаш) ҳақни тўлаш тартиби

(ҳақ миқдори, тўлов шартлари, тўлов манбалари, тўлов учун асос ҳужжатлар, тўлов муддатлари)

31. Кузатув кенгаши раҳбари ва аъзоларига қўшимча (мукофотлаш) ҳақ - ҳисобот йилида Жамиятни самарадор бошқариш учун, хусусан корпоратив бошқарув тизимининг ҳолати, шунингдек Жамиятнинг Бизнес-режаси параметрларини бажарганлик учун тўланади.

Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига қўшимча (мукофотлаш) ҳақ молиявий йил якунлари бўйича тўланади.

32. Кузатув кенгашига тўланадиган қўшимча (мукофотлаш) ҳақнинг умумий миқдори Жамият йиллик бизнес-режасида белгиланган соф фойда миқдоридан ортиқча олинган фойданинг 10%гача миқдорда ташкил этади.

Молиявий йил якунлари бўйича Жамият томонидан олинган соф фойданинг умумий миқдорининг 5% гача.

Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига қўшимча (мукофотлаш) йиллик ҳақнинг якуний умумий миқдори акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг қарорига биноан белгиланади.

Қўшимча (мукофотлаш) йиллик ҳақнинг умумий миқдори қуйидаги тартибда тақсимланади:

- Кузатув кенгаши раисига – 50%;
- Кузатув кенгаши аъзоларига -50%;

Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига қўшимча (мукофотлаш) йиллик ҳақнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши раисининг таклифи бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

Кузатув кенгашининг аъзосига қўшимча (мукофотлаш) йиллик ҳақнинг миқдори ўтган йил учун Кузатув кенгашининг мажлисининг ярмидан кўп қисмида иштирок этмаса ёки унга юклатилган вазифаларни ва Кузатув кенгашининг топшириқларини қониқарсиз бажарса, камайтирилиши мумкин.

33. Қўшимча (мукофотлаш) йиллик ҳақ тўлашнинг мажбурий шарти Жамиятнинг йиллик бизнес-режасида белгиланган соф фойда миқдоридан кўп олинган фойда олиш ҳисобланади. *Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларини (ялпи даромад ва соф фойда) бажариши.*

34. Жамиятнинг олган соф фойдаси қўшимча (мукофотлаш) йиллик ҳақ тўлашнинг манбаи ҳисобланади.

35. Мазкур Тартиб ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг қарори қўшимча (мукофотлаш) йиллик ҳақ тўлашнинг асос ҳужжати ҳисобланади.

36. Жамият Ижроия органи раҳбарининг буйруғи асосида Жамият бухгалтерияси томонидан қўшимча (мукофотлаш) йиллик ҳақни ҳисоблаш ва тўлаш амалга оширилади.

37. Агарда йил давомида Кузатув кенгаши аъзоси ваколати муддатидан олдин бекор қилинса, унга қўшимча (мукофотлаш) йиллик ҳақни ҳисоблаш ва тўлаш Жамият Кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бажаришнинг ҳақиқий вақтини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

38. Мазкур Тартиб ва Тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш тўғрисидаги Кузатув кенгашининг қарори Тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларига ҳар чорақдаги асосий (қатъий белгиланган) ҳақ тўлашнинг асос ҳужжати ҳисобланади.

39. Жамият Ижроия органи раҳбарининг буйруғи асосида Жамият бухгалтерияси томонидан ҳисоблаш ва тўлаш амалга оширилади.

Ҳар чоракдаги асосий (қатъий белгиланган) ҳақ Тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг Тафтиш комиссияси аъзоси вазифасини бажариш вақтида ҳақ тўланади.

Агарда Тафтиш комиссияси аъзоси ваколати муддатидан олдин бекор қилинса, унга асосий (қатъий белгиланган) ҳар чоракдаги ҳақни ҳисоблаш ва тўлаш Жамият Тафтиш комиссияси аъзоси вазифасини бажаришнинг ҳақиқий вақтини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Тафтиш комиссияси раҳбари ва аъзоларига асосий (қайд этилган) ҳар чоракдаги ҳақнинг тўлови ҳисобот чораги тугаган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай амалга оширилади.

VI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВА ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИГА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

40. Қонунга мувофиқ Акциядорларнинг Умумий йиғилишининг қарори бўйича Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг ўз мажбуриятларини бажариш даври учун Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланиши мумкин.

41. Кузатув кенгаши аъзолари уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун ўтказиладиган Кузатув кенгаши мажлисларида (сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказиладиган йиғилишлар бундан мустасно) иштирок этишлари шарт, Кузатув кенгаши топшириғи бўйича хизмат сафарига, хусусан Жамият филиаллари ва ваколатхоналари жойлашган жойга чиқишлари, Жамият инвесторлари ва ҳамкорлари билан музокараларда иштирок этишлари ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин.

42. Тафтиш комиссияси аъзолари уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун Тафтиш комиссияси мажлисларида иштирок этишлари шарт, Тафтиш комиссияси топшириғи бўйича Жамият филиаллари ва ваколатхоналарини текшириш учун чиқишлари мумкин.

43. Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар (транспорт, яшаш харажатлари ва бошқ.) Кузатув кенгаши раиси ёки Тафтиш комиссияси

раисининг тегишли тақдимномаси ва мазкур харажатларни тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, Жамият томонидан қопланади.

44. Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларининг харажатлари Жамият маблағлари ҳисобидан қопланади.

45. Компенсацияларни тўлаш мажлисни ўтказиш вақтида ёки чиқиш вақтида амалда бўлган Жамиятнинг хизмат сафари харажатларини қоплаш меъёрлари бўйича амалга оширилади.

46. Компенсациялар пул шаклида тўланади.

47. Компенсацияларни тўлаш Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилганларидан сўнг 30 (ўттиз) календар кун ичида Жамият томонидан амалга оширилади.

48. Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси харажатларини қоплаш учун маблағлар суммаси келгуси молия йилида Жамиятнинг даромадлар ва харажатлар сметасида акс эттирилиши лозим.

VII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИНИ МОДДИЙ РАЎБАТЛАНТИРИШ ФОНДИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

49. Жамият бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий рағбатлантириш Фонди (кейинги ўринларда Фонд деб юритилади) бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий рағбатлантириш ва Жамиятнинг юқори молиявий натижаларга эришиши учун уларнинг жавобгарлигини ошириш, Жамиятнинг жорий фаолиятини самарали бошқариш, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатини таъминлаш ва Жамият бизнес-режаси кўрсаткичларини бажариш ва Жамиятда корпоратив бошқарув сифатини ошириш мақсадида ташкил қилинади.

Фонд Жамият бошқарув ва назорат органлари аъзоларига ҳақ тўлаш ва харажатлар ўрнини қоплаш учун мўлжалланган.

50. Жамият бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий рағбатлантиришни Фонд маблағлари орқали амалга ошириш Жамият бошқарув ва Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақнинг шаффофлигини таъминлайди.

51. Фонд маблағлари орқали Жамият бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий рағбатлантириш кўйидаги тур ва шаклларда амалга оширилади:

- а) ҳисобот йили яқунлари бўйича бир марталик ҳақ;
- б) ҳисобот даври яқунлари бўйича ҳақ (ҳар чоракда, ҳар ойда);
- в) совғалар ва натура шаклидаги бошқа турдаги ҳақ;
- г) бошқарув органлари вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлар қопланмаси;

52. Фонд маблағлари бошқа мақсадлар учун ишлатилиши мумкин эмас, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори бўйича ишлатилмаган Фонд маблағларининг бошқа мақсадлар учун ўтказилиши бундан мустасно

а) Жамият бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий рағбатлантириш Фондини тузиш манбалари ва ташкил қилиш тартиби.

53. Ҳисобот йилидаги соф фойда ва ўтган йилларда Жамиятнинг тақсимланмаган фойдаси Фондни тузиш ва келгусида ташкил этиш (кўпайтириш) манбаи ҳисобланади.

54. Фондни тузиш учун бирламчи киритиладиган маблағлар миқдори ва Фондни келгусида ташкил этиш (кўпайтириш) учун соф фойдадан йиллик ажратмалар ва ўтган йилларда тақсимланмаган фойда миқдори Жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

55. Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори билан бошқарув органлари вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Фонд маблағларининг минимал миқдorigа, шунингдек Жамият Кузатув кенгаши қарори бўйича ҳисобот даври (ҳар чорак, ҳар ой) яқунлари бўйича ҳақ тўлаш учун чеклов белгиланиши мумкин.

56. Жамият акциядорларнинг Умумий йиғилишининг қарори билан Фондни ташкил қилишнинг бошқа тартиби белгиланиши мумкин, хусусан ҳисобот яқунлари бўйича (йиллик, ҳар чорак, ҳар ой) соф фойдадан мажбурий ажратмалар орқали.

Фондга соф фойдадан ажратмаларнинг миқдори соф фойданинг 7 % дан кам бўлмаслиги лозим.

57. Агар ҳисобот даврида Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти қониқарсиз молиявий натижа билан тугаса ёки ўтган йилларда қопланмаган зарар мавжуд бўлса, Фондга ажратмалар амалга оширилмайди.

б) Жамият бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий рағбатлантириш Фонди маблағларидан фойдаланиш

58. Фонд маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарор қуйидаги тартибда қабул қилинади:

а) Тафтиш комиссияси ва Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш Жамият акциядорларнинг Умумий йиғилишининг қарори бўйича амалга оширилади;

б) Ижроия органи раиси ва аъзоларига ҳисобот йили яқунлари бўйича ҳақ тўлаш Жамият акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори бўйича амалга оширилади;

в) Ижроия органи раиси ва аъзоларига ҳисобот даври (ҳар ой, ҳар чорак) яқунлари бўйича ҳақ тўлаш Жамият Кузатув кенгашининг қарори бўйича амалга оширилади;

г) бошқарув органлари вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлар тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ Жамият Ижроия органи қарори (буйруғи) бўйича қопланади.

59. Ҳисобот даврида ишлатилмаган Фонд маблағлари муомаладан чиқарилмайди, кейинги йилга ўтказилади ва мазкур Тартибда белгиланган мақсадлар учун ишлатилади.

60. Фонд маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш Жамият Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

61. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида тасдиқланадиган йиллик ҳисоботда, агар Фонд маблағлари ишлатилган бўлса, ўтган молиявий йилда Жамият Фонди маблағларини сарфлаш тўғрисидаги маълумотлар мажбурий тартибда акс этиши шарт.

62. Фонд маблағлари ҳисобидан ҳақ миқдори Жамият иш ҳақи фондига киритилади ҳамда уларга ягона ижтимоий тўлов бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ажратмалар ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг Фонд маблағлари ҳисобидан олинган даромадларини солиққа тортиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

VIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

63. Мазкур Тартиб Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг Мазкур Тартибни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори умумий йиғилишда қатнашаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

64. Мазкур Тартибга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар қонунчиликка, Жамият Уставига, Жамиятнинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилиши муносабати билан ва бошқа ҳолатларда киритилиши мумкин.

Мазкур Тартибга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу Тартибга ўзгартириш ва/ёки қўшимчаларни тасдиқлаш бўйича қарори акциядорлар умумий йиғилишида қатнашаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

65. Агар мазкур Тартибнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки Жамиятнинг Уставига зид бўлса, бу бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади ва ушбу бандлар билан тартибга солинувчи масалалар мазкур Низомга тегишли ўзгартириш киритилгунча қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик меъёрларига ва/ёки Жамиятнинг Уставига асосан тартибга солинади